

## БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Эгамберган Худойназаров Мадрахимович**

Урганч давлат университети “Бошлангич таълим методикаси” кафедраси  
доценти,

**Дўсчанова Моҳинур Мақсадовна**

Урганч давлат университети “Таълим назарияси ва методикаси” (бошлангич  
таълим) мутахассислиги магистри,

### АННОТАЦИЯ

*Ушибу мақолада эвристик метод ёрдамида бошлангич синф ўқувчилари  
ўқув фаоллигини шакллантириши методлари ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятлари  
таҳлил қилинган, ҳамда муаллифларнинг шахсий фикрлари хулоса ўрнида  
келтирилган.*

**Калит сўзлар :** метод. Евристик метод, еврика, фаоллик, ўқув фаоллик,  
компетенсия, кўникма, билим.

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье с помощью эвристического метода анализируются  
способы формирования учебной деятельности учащихся начальной школы и их  
особенности, а в заключении представлены личные мнения авторов.*

**Ключевые слова:** метод. Эвристический метод, эврика, деятельность,  
учебная деятельность, компетентность, умение, знание.

### ABSTRACT

*In this article, using the heuristic method, the methods of forming the learning  
activity of elementary school students and their specific features are analyzed, and  
the personal opinions of the authors are presented in the conclusion.*

**Key words:** method. Heuristic method, eureka, activity, educational activity,  
competence, skill, knowledge.

### КИРИШ

Бугунги кунда таълим жараёнини компетенциявий ёндашув асосида  
ташкил этишга алоҳида эътибор қартилмоқда. Бу эса таълим жараёнини амалий

фаолиятга йўналтириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Таълимда амалий-технологик йўналишнинг зарурлиги ўқув предметининг мантиқий, мажмуавий, тизимли, ўқув фанлариаро характерга эгалигидан келиб чиқади. Компетенциявий ёндашув ўқув фанлариаро тизимли таҳлил ҳамда уни амалга оширишнинг яхлит моделини шакллантиришни тақозо қиласди.

Компетенциявий ёндашув таълим натижасини умумий, интеграциялашган хулқ-автор ҳодисаси сифатида аниқлайди. Унинг таркибини мотивли-қадриятли, когнитив, интерфаол ҳамда эмпирик сифатлар мажмуи ташкил қиласди.

Инсон олдига янги талаблар қўйилаётган бугунги кунда таълим жараёнида шахсда алоҳида сифатларни шакллантириш тақозо қилинмоқда. Улар:

1. Сиёсий, экологик, маданиятлараро муаммоларни ечиш лаёқатига эга бўлган шахсларни шакллантириш.

2. Маданий, этник, диний қадриятлар ва фарқлар, ижтимоий турли-туманликларни ҳисобга олган ҳолда қадриятшунослик соҳасидаги муаммоларни ечишга лаёқатли шахсларни шакллантириш. Шунингдек, миллатлараро мулоқот воситалари ва усусларини ўзлаштириш учун қулай дидактик вазиятларни яратиш.

3. Ўқувчиларни ижтимоий ҳаётдаги турли ролларни, чунончи, фукаро, сайловчи, ота-она, оила аъзоси кабиларни бажаришга тайёрлаш.

4. Ахборотларни излаш, таҳлил қилиш имконини берадиган умумий қўнималарни ҳосил қилиш.

5. Кўпвариантли вазиятлар шароитида қарорлар қабул қилиш лаёқатини шакллантириш; шу билан бир қаторда ноаниқ вазиятларда қабул қилган қарорлари учун масъулиятни зиммасига олиш, жамоада ишлаш ва жамоа фаолиятини ташкил этиш қўнималарини шакллантириш.

6. Узлуксиз таълим олиш лаёқатига эга бўлиш, билиш фаолиятининг ривожланишини таъминлаш кабилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган компетенцияларни шакллантиришга қўйиладиган талаблар таълим мазмунида бир туркумдаги фанлар интеграциясини таъминлаш асосида ўз ифодасини топиши керак. Чунончи:

- Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси; унинг таркибига сиёсий ҳамда ижтимоий билимдонлик, шахснинг масъулиятли бўлиши, гуруҳ ичидаги зиддиятларни куч ишлатмасдан бартараф этиш лаёқатини эгаллаш имкониятлари киради.

- Миллий ва умуммаданий компетенция; ушбу компетенция доирасида кўпмаданиятли жамиятда ҳаёт кечириш учун зарур бўлган билимлар, толерантлик муҳитини ривожлантириш, бошқа дин ва миллат вакиллари билан жамиятда биргалиқда яшаш ва меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлиш кабиларнинг шакллантирилиши назарда тутилади.

- Коммуникатив компетенция; мазкур компетенция доирасида бир ва ундан ортиқ тилда ёзма ва оғзаки мулоқот қила олиш кўнилмалари шакллантирилади.

- Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси; ушбу компетенция доирасида жамиятдаги ахборотларни ўзлаштириш билан боғлиқ билимлар, ахборот технологияларини ўзлаштириш, уларнинг имкониятлари ва қўллашдаги тўсиқларни англаб етиш, ахборотларга нисбатан танқидий-тахлилий муносабатда бўлиш, тарғибот-ташвиқот воситаларини оммавий тарзда ёйиш кўнилмалари шакллантирилади.

- Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси; мазкур компетенция доирасида ўқувчиларни жадал тарзда ўзгараётган технологиялар муҳитига мослаштириш, ижтимоий касбий соҳада муваффақият қозониш учун имконият яратиш кўзда тутилади.

## **МЕТОДОЛОГИЯ**

Кўрсатиб ўтилган таянч компетенцияларни шакллантириш натижасида ўқувчиларни ижтимоий ҳаёт ва истиқболдаги меҳнат фаолиятига жадал тайёрлаш амалга оширилиб, у шахснинг ҳар қандай фаолият соҳасида муваффақият қозонишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда ностандарт масалалардан фойдаланиш шахсга йўналтирилган таълим шароитида алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон таълим тизимида компетенциявий ёндашувни амалга ошириш бир қатор муаммоларни ечишни тақозо этади. Жумладан:

- таълимдаги янги методологик асоснинг категориал тизимини ойдинлаштириш;
- “компетенция” ва “компетентлилик” тушунчаларининг асосий негизи ва моҳиятини очиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларнинг компетенцияларини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини асослаш;
- ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини диагностика қилиш ва унинг ривожланиш динамикаси мониторингини амалга ошириш кабилар.

Мазкур муаммони тадқиқ этишга оид ёндашувларни тизимлаштириш ва оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу муаммони ҳал қилишга нисбатан бир қатор қарашларни илгари суриш талаб қилинмоқда.

Компетенциявий ёндашув учун асос бўладиган таянч тушунчаларни ойдинлаштириш, бунда педагог олимларнинг замонавий ёндашувларига таяниш, “компетенция” ва “компетентлилик” атамаларининг ўзаро муносабатини дидактик жиҳатдан тавсифлаш, компетентлиликнинг компетенциялар мажмуидан ташкил топишини интегратив нуқтаи назардан асослаш, компетенция компетентлиликнинг таркибий қисми сифатида ўқувчиларнинг ижтимоий, ўқув ҳамда меҳнат фаоллигини таъминлашга хизмат қилиши педагогик жиҳатдан очиб берилиши лозим.

Компетентлиликнинг ўзига хос жиҳати унинг инсон фаолияти билан боғлиқлигига ўз ифодасини топади. У инсоннинг муайян соҳадаги фаолияти маҳсулдорлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бошланғич таълим дарсларида ўқувчиларда компетенцияларни шаклланиш жараёни жадал кечади. Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш учун у билан боғлиқ умумий талабларга риоя қилиш лозим. Компетенция инсоннинг муайян фаолиятни амалга ошириши учун асос бўлади. Жумладан, меҳнат фаолияти, касбий фаолияти, ўқув фаолияти, ижодий фаолият, мулоқот фаолияти, мустақил билим олиш фаолияти каби.

Компетенциялар, уларнинг компонентлари таркибий тузилиши орқали аниқланади. Компетенциялар таркибига билимлар, мазкур билимларни қўллаш методологияси ҳамда ушбу методологияни эгаллаш, амалий кўникумалар киради.

Компетентлиликнинг таркибий тузилишини таҳлил қилиш унинг мунтазам ривожланувчи фаолиятли тавсифи сифатида фаолиятга хос бўлган жиҳатларига кўра фарқлашни талаб килади. Инсоннинг меҳнат қўникумалари мотивли-қадриятли, билишга асосланган когнитив, фаолиятли, рефлексив қисмлардан иборат.

Математика таълими жараёнида ўқувчиларда компетентлиликнинг шаклланиши ва ривожланиши маҳсус педагогик шарт-шароитларни яратишни тақозо қилади. Бунда педагогик тизимнинг аниқловчи таркибий қисмлари ўз ифодасини топади. Ушбу шарт-шароитлар математика таълими мазмунини интегратив ёндашув асосида чукурлаштириш, кенгайтириш ва бойитиш имконини беради. Ўқувчиларни фаолиятга ундовчи ўзаро мувофиқ келадиган педагогик технологияларни танлаш талаб қилинмоқда. Мазкур технологиялар

математика таълими жараёнида ўқувчиларнинг субъект-субъект муносабатларига киришишларига имконият яратиши керак. Аксарият мутахассислар ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш жараёнида уларнинг фаолиятига таяниш лозимлигини таъкидлайдилар. Улар таълим жараёни субъектлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган босқичларни ажратиб кўрсатганлар. Бунда ўқувчиларнинг мотивли-қадриятли, тезкор-фаолиятли, таҳлилий-баҳоловчи соҳалариға эътибор қаратишни тавсия қиласидилар. Шунинг учун ҳам ностандарт масалалар асосида ўқучиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда уларда кўп фаолиятлиликни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинмоқда. Ўқувчиларда кўп фаолиятлиликни шакллантиришда эса математика таълими, синфдан ташқари педагогик жараёнлар, турли тўгараклардаги ўқув-тарбия фаолияти муҳим аҳамиятга эга [1].

## **ТАҲЛИЛ**

Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шаклланганлик даражасини ташхислаш мураккаб педагогик ходиса ҳисобланади. Бу жараёнда бир қатор зиддиятлар мавжуд. Бу айниқса ўқувчиларни касбга йўналтириш ва технология таълими жараёнида яққол намоён бўлади. Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш нафақат ўқув жараёнида, балки мустақил билим олиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг компетентлилик даражаларини ташхислашда унинг таркибий қисмларини ривожлантириш динамикасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Интеграл кўрсаткичларни аниқлашда валидлик психометрик аппаратга эътибор қаратилади.

Педагогика фанида компетенциявий ёндашув тараққиётининг ҳозирги босқичида компетентлиликнинг шаклланишини эмас, балки унинг жадал ривожланишини таҳлил қилишга эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам компетенциявий ёндашув турли йўналишларда амалга оширilmоқда.

Компетенциявий ёндашув назарияси ва амалиётига бағишлиган тақдиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор мутахассислар компетенцияларнинг интеграцияси ва таълим жараёнида уларнинг амалга оширилиши ҳақида ўз қарашларини баён қилганлар. Жумладан, О.А.Валихонова[2]нинг математик компетенция, Л.А.Петровский[3]нинг мулоқот компетенцияси, А.Р.Камалеева[4]нинг табиий-илмий компетенциялар устида амалга оширган тадқиқот ишлари ўқувчиларда интеграциялашган компетенцияларни шакллантириш муаммосига бағишлиган.

2030 йилгача таълимни ривожлантириш концепциясида замонавий таълимнинг ривожланишини бошқариш йўналишлари белгилаб берилган:

- таълим ва фанни глобаллаштириш;
- таълим муассасаларини жамият ва худуднинг ривожланишига мувофиқлаштириш;
- таълимнинг амалиётга йўналганлигини таъминлаш;
- фан, моддий борлик, техника ва технологияларнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда таълимни ташкил этиш;
- таълимий ва илмий контентни ракамлаштириш.

Глобаллашув жараёни инсоннинг касбий, ижтимоий соҳалардаги фаолиятини кенгайтириб, оламнинг янги моделини яратиш имконини беради.

Янги ахборотлар ва ахборот технологиялари интеграциялашган таълим учун қулай шароит яратади. Бундай таълим тизими бир томондан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллашуви, иккинчи томондан ўқув материалларининг ранг-баранглиги, ўқитишининг мослашувчан тартиб асосида амалга оширилишини таъминлайди [5].

Буларнинг барчаси халқаро тажрибаларга таянган ҳолда таълим мазмунини янгилаш ва мунтазам тақомиллаштиришни тақозо этади. Ўқув дастурларидағи мавзуларни интеграциялаш, ўқувчиларнинг компетентлилигини юқори даражада ривожлантириш модернизациялаштирилган таълимнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда биринчи навбатда жаҳон тажрибасига таяниш зарур. Таянч компетенцияларни шакллантириш жараёнининг шакллари ва методларини танлашга қўйиладиган талаблар ўзаро мувофиқ келиши керак [6].

Компетенциялар ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзида мужассамлаштиради. Ўқувчиларнинг шахсий сифатлари уларнинг ижтимоий, рефлексив хулқ-авторини ўзида уйғунлаштиради. Таҳлилларнинг натижаси компетенциялар мажмуи ва улар орасидаги интеграцияда намоён бўлади. Биз ўз тадқиқотимиз давомида таянч ва фанга оид компетенциялар билан иш кўрамиз. Муайян ўқув предметини ўрганиш жараёнида таянч ва фанга оид компетенцияларни ностандарт масалаларни ечишга ўргатиш асосида таҳлил қиласиз ҳамда компетенцияларни шахс амалий фаолиятининг ифодаси сифатида талқин этамиз.

Компетенцияларни интеграциялаш жараёни инсон фаолиятига хос табиий жараён ҳисобланади. Бу жараён чуқур ўйланган хулосалар чиқариш ва илмий

методик жиҳатдан қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Интеграциялашган компетенцияларни жорий этишда компетенциявий ёндашувга таяниш лозим. Бунинг учун компетенцияларни интеграциялаш муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашувга таянмасдан педагогик интеграция муаммоларни ҳал қилиш мумкин эмас. Интеграция билан боғлиқ педагогик вазифаларни муваффакиятли ечиш учун унинг ҳар иккала қисмига хос бўлган таркибий бирликлар корреляциясини тадқиқ этиш ва компетенцияларни интеграциялаш ижтимоий педагогик зарурият эканлигини англаб етиш лозим.

## **ХУЛОСА**

Ўзбекистон таълим тизимида компетенциявий ёндашувни амалга ошириш бир қатор муаммоларни ечишни тақозо этади. Жумладан: таълимдаги янги методологик асоснинг категориал тизимини ойдинлаштириш; “компетенция” ва “компетентлилик” тушунчаларининг асосий негизи ва моҳиятини очиш; таълим жараёнида ўқувчиларнинг компетенцияларини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини асослаш; ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини диагностика қилиш ва унинг ривожланиш динамикаси мониторингини амалга ошириш кабилар.

Таълимнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш учун унга таъсир кўрсатадиган муайян омилларни ўрганиш лозим. Бу омиллар ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини акс эттириб, баркамол авлодни шакллантиришга бўлган янги эҳтиёжлар ва талабларни ўзида мужассамлаштиради.

## **REFERENCES**

1. Khudoynazarov E.M. Didactic possibilities of oral exercises in forming initial classes pupils' mathematical thinking activity// Eastern European Scientific Journal. – Ausgabe – Germany.1-2019. P. 249-253.
2. Валихонова О.А. Формирование информационно-математической компетентности студентов инженерных вузов в обучении математике с использованием комплекса прикладных задач: дис. ... канд. Пед. Наук / О.А. Валиханова. – Красноярск, 2008. – 183 с.
3. Петровская Л.А. Общение – компетентность – тренинг. Избранные труды – Издательства: Смысл. – 2007. 387 с.

4. Камалеева А.Р. Механизм формирования основных естественнонаучных компетенций студентов-гуманитариев //Вестник Челябинского государственного педагогического университета. – 2009. – С. 54-70.
5. Шарифзода С.Ў. Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантиришда интегратив ёндашувдан фойдаланиш механизмлари: фалсафа доктори (PhD) даражаси олиш учун ёзилган дисс. Бухоро. – 2022.- 168 б.
6. Sharifzoda S Possibilities of using an integrative approach in the formation of key competences of pupils // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences.-10. 2019. (Angliya) P. 44-47.